

ЛЕНИНЧА ДЎСТЛИГИМIZ ЯШНАЙ БЕРСИН!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



СССР СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ
УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

46-ПИЛ ЧИКИШИ
№ 269 (12.923),
19
НОЯБРЬ
1964 ЙИЛ
ПАЙШАНБА
Баҳоси 2 тийин

ХУШ КЕЛИБСИЗ, АЗИЗ МЕҲМОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ТАНТАНАЛАРДА ҚАТНАШИШ УЧУН

Улуғ Ватанимиз ҳақлари бўзилмас Ленинча дўстлигининг ифодаси бўлган ССР Иттифоқи ва Иттифоқдор республикаларнинг давлат байроқлари Тошкент аэродроми узра ҳиллаб турибди. Тошкент аэродроми — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 40 йиллик байрамга келатган қардош халқлар вакиллари шодлиги ва тантана билан кутиб олмада.

Москва меҳнаткашлари юбилей тантаналарида қатнашмоқ учун Ўзбекистонга Москва шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Н. Г. Егоров бошчилигида делегация юборилди. Делегация составида Москва шаҳар иқтисодиёт раисининг ўринбосари Л. В. Дербиш, опера ва балет Большой театрининг солисти, РСФСР халқ артисти Г. В. Олейниченко, Москвадаги биринчи уйовчи комбинати монтажчилар бригадасининг бошлиги, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Г. В. Масленниковлар бор.

Украина Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. Д. Снабо бошчилигидаги делегация Украина ССР дан вакил бўлиб келган. Делегация раисининг ўринбосари Л. В. Дербиш, опера ва балет Большой театрининг солисти, РСФСР халқ артисти Г. В. Олейниченко, Москвадаги биринчи уйовчи комбинати монтажчилар бригадасининг бошлиги, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Г. В. Масленниковлар бор.

Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. М. Машеров Беларуссия ССР делегациясига бошчилик қилмоқда. Делегация составида Минск шаҳар иқтисодиёт раисининг ўринбосари В. И. Шаралов, Беларуссия ССР Министрлар Советининг ССР Министрлар Совети ҳузуридаги доимий вакили А. В. Горькин, Гродно майин мовут комбинатининг мастери, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. А. Ченель-Абабидовлар бор.

Литва ССР делегациясига Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. И. Снечук раҳбарлик қилмоқда. Делегация аъзолари орасида «Таураунаус» совхозининг директори В. А. Паулюнас, Паневежис шаҳар партия комитетининг секретари А. У. Урликис, Ионава мебель комбинатининг бош технологи Л. А. Минкотиенелар бор.

Молдавиядан республика Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. И. Бодюл (деlegation раҳбари), Молдавия ССРда хизмат кўрсатган артист Л. А. Ерофеева, Каушани районидagi Мичурин номидаги совхозининг раиси С. К. Гросслардан иборат делегация келди.

Латвия делегациясига Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Я. Пельше бошчилик қилмоқда. Делегация аъзолари орасида «Рига Аудумс» комбинатининг тўқувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони И. А. Давид, Латвия опера ва балет давлат театрининг солисти Я. О. Забер бор.

Киргизистон вакиллари республика Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Т. У. Усубалиев раҳбар бўлиб келган. Делегация составида Уш қишлоқ область партия комитетининг биринчи секретари А. С. Суомбаев, республикада дондор жуи қирғувчи А. Қосималиев, Фрунзе медицина институтининг ректори В. А. Исабаева, Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидagi лавалгаторлар звеносининг раҳбари В. Е. Савоскилардан иборат.

Туркменистон ССРдан Туркменистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Б. О. Овезов (деlegation раҳбари), Тенен ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитетининг секретари А. Сариев, Тошова ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитетининг секретари Х. Қурбонова «Ашхабадстрой» гўшт терувилик бригадасининг бошлиги, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони С. В. Яновлевлар келишди.

Эстония ССР дан келган делегацияга Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Г. Кэбин раҳбарлик қилмоқда. Делегация составида Нарва шаҳар иқтисодиёт раисининг раиси М. В. Янголеню, «Эстония» академик опера ва балет театрининг солисти В. И. Гурьевлар бор.

Қардош республикалардан келган меҳмонларни аэродромда КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзоларига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, КПСС Марказий Комитети Урта Осиё Бюросининг раиси В. Г. Ломоносов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиуми аъзолари И. Г. Анисимкин, В. А. Карлов, Р. Қурбонов, Е. С. Насриддинов, Р. Н. Нишонов, Н. Ж. Худойбердиев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиуми аъзоларига кандидат Қ. Муртазов, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. О. Азимов, Ўзбекистон ва унинг пойтахти партия ва совет ташкилотларининг бошқа раҳбарлари, Тошкент жамоатчилигининг вакиллари кутиб олдилар.

Тантаналарда қатнашмоқ учун қардош республикаларнинг делегациялари Тошкентга келиб турибди. (ЎзТАГ).

ТЎЙ МУБОРАК, ЎЗБЕКИСТОН

БОҒ ШАҲАРДАГИ ДЎСТЛАР

Биз, театр ходимлари, сафарда кўп бўламиз. Янги дўстлиқни бошлаб берган сафарни айниқса хурсанд бўлиб эслаймиз. Пахта ва узум республикасининг пойтахти серқуёш шаҳар, боғ шаҳар бўлган Тошкентга қилган гастрол-миз биз учун мана шундай хурсандлик билан эсга олинмайдиган сафар бўлди.

Ҳозир Ўзбекистонлик Совет Армияси театри бундан икки йил аввал Тошкентга гастролга борган эди. Сахий, хуш-фел, меҳрибон ва сезгир Тошкент томошабинлари билан бўлган учрашувларни ҳозир ҳам нуфус-нуфус эслаймиз. Улар бизни самимият билан табриқладилар, лекин намчиликлар тўғрисида ҳам, фазилатларимиз ҳақида ҳам ўз нугилларидаги гапларни бизга дағал айтишди.

Ҳозир Ўзбекистонлик дўстларимиз катта байрамни — республиканинг қирқ йиллигини нишон-ламоқдалар. Етуклик аломати ва самарали ишлар қилинмайдиган палла бўлган қирқ йиллик дўстларимизни кутлаймиз.

Ўзбек санъатининг намоёндаларини бу ерда, Москвада кўриб миннатдорчилик билан уларни олқишласан бениҳоя хурсанд бўлув эдик.

Андрей ПОПОВ, Совет Армияси Марказий театрининг бош режиссёри, РСФСР халқ артисти.

ҲАМИША ҚУЁШ БЎЛСИН

Ҳаётимдаги энг аниқ, энг қизиқarli хотиралар Ўзбекистон республикаси билан боғланган. Мен ўтган йил, пахта теримининг долзарб кунларида Ўзбекистонда бўламан эдим. Биз—Россия Федерацияси санъат арбобларининг бир гуруҳи — бутун Фарғона vodiysini айланиб чиқдик ва ўзбек халқи ўзининг «оқ олтин»ига нақадар меҳр-муҳаббат қўйганини кўрдик. Пахтакорлар тўкилиб қолган ҳар бир тутам пахта-ни нақадар авайлаб териб олаётганликларини кўриб хурсанд бўлдик. Сизнинг халқингиз санъатига ҳам ҳудди шундай ҳурмат назари билан қарайди, у, халқ донишмандлигининг, халқ санъатининг наваридларини мана шундай битталаб тўламоқда.

Ўзбек меҳнаткашлари фақат ўз музикасининг эмас, шу билан бирга у, рус, украин, туркман, қозоқ ва бошқа халқларнинг музикаларини ҳам жуда ҳурматлайди. Болалар боғчаларидан бир-ди ўзбек болалари меннинг «Ҳамиша қуёш бўлсин» деган қўшиғини айтганларини эшитиб, жуда таъсирландим. Сизларнинг серқуёш ва иссиқ мамлакатингизда, Ўзбекистон зағори остида меннинг бу қўшиғим аниққа сезиларли бўлиб эгирди. Дўстликнинг мана шундай ҳарорати ҳамма мослашқандар, шу жумладан уларнинг ақллари бўлган меҳнат ҳам ором бермайдиганча ўша вақтда аққол ҳис қилди.

Республикада биз қўрган нарсалар ҳаммаини чинқам руҳландирди, қозоқ-қозоқ вақтларга етадиган изҳорий ҳалом берди. Биз Фарғона vodiysida бўлган вақтингда шир Софронюв билан бирга «Нақадар қўрқаман, Ўзбекистон!» деган қўшиқни машинида бора туриб яратдик. Бу қўшиқ Ўзбекистонда ўтган кунларимизни бизга эсатиб турувчи, ҳеч қачон эскирмайдиган дўстликни тараннум этувчи жуда аниқ қўшиқ бўлиб қолди.

Ҳозир Ўзбекистон республикасининг қирқ йиллиги кунларида мен меҳмондўст ва меҳрибон, ўз Ватанини, санъатни, музикани севган ўзбек халқига чин қўнғилдан бахт-саодат тилайман. Сизларга ўз қўшиғимнинг сўзлари билан дилимдаги меҳримни изҳор қиламан:

— Ўзбекистон диёрида ҳаммаша қуёш бўлсин!

Аркадий ОСТРОВСКИЙ, композитор.

ҚУРUVЧИЛАР ҒАЛАБАСИ

Ғиндуювон колхозларари қурилиш ташкилотининг коллектив юбилей арафасида аjoyиб меҳнат ғалабасини қўлга киритди. Қурилиш-монтаж ишлари йиллик плани мудатидан илгари — 15 ноябрда ошириб адо этилди. Қурувчилар ўн ярм ой мобайнида 1 миллион 310 минг сумлини қурилиш-монтаж ишларини адо этилди.

ДЎСТЛИК.

А. Тўраев фототўди.

ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

11 ва 17 ноябрда Москвада Совет Иттифоқи Коммунист партияси ва Совет ҳукумати раҳбарлари билан Куба Республикаси партия ҳукумат делегацияси ўртасида учрашувлар бўлиб ўтди. Учрашувларда Совет томонидан: КПСС Марказий Комитетининг биринчи секретари Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. И. Микоян, КПСС Марказий Комитети Президиумининг секретари Н. В. Подгорний, КПСС Марказий Комитетининг секретари Ю. В. Андропов, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР гашик ишлар министри А. А. Громио ҳозир бўлдилар.

Куба Республикаси томонидан учрашувларда делегация раҳбари Куба Социалистик революция бирлашган партияси Миллий раҳбарлиги (ПУРСК) сакретариатининг аъзоси, саноат министри майор Эрнесто Гевара, ПУРСК Миллий раҳбарлигининг аъзоси, Куба революцион қурулган кучлари министрининг ўринбосари майор Серхио дель Валье Хименес, ПУРСК Миллий раҳбарлигининг аъзоси майор Гильермо Гарсиа Фриас қатнашди.

Учрашувлар аъдоби ва самимийлик ваъзатида ўтди. КПСС ва ПУРСК ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш, Совет Иттифоқи билан Куба Республикаси ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлик, шунингдек иқтисодий мамлакатини ҳам янгилашувчи бошқа бир қанча масалалар муҳомама қилинди.

ҚУТЛАЙМИЗ, ОЛОВКОРЛАР!

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР Газ саноати Давлат ишлаб чиқариш комитетининг қурилишда кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни механизациялаш давлат иттифоқ трести — «Союзпроедмеханизация»ни Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Магистрал трубопроводлар қуришда ва Бухоро—Урал газ қуварининг биринчи навбатини ўз вақтида ишта туширишни таъминлашда эришган муваффақиятлари учун СССР Газ саноати Давлат ишлаб чиқариш комитетининг қурилишда кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни механизациялаш давлат иттифоқ трести — «Союзпроедмеханизация» Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. МИКОЯН.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль, 1964 йил 18 ноябр.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР Газ саноати Давлат ишлаб чиқариш комитетининг давлат иттифоқ қурилиш-монтаж трести «Востокнефтепроводстрой»ни Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Магистрал трубопроводлар қуришда ва Бухоро—Урал газ қуварининг биринчи навбатини ўз вақтида ишта туширишни таъминлашда эришган муваффақиятлари учун СССР Газ саноати Давлат ишлаб чиқариш комитетининг давлат иттифоқ қурилиш-монтаж трести — «Востокнефтепроводстрой» Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. МИКОЯН.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль, 1964 йил 18 ноябр.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР Газ саноати Давлат ишлаб чиқариш комитетининг давлат иттифоқ трести «Нефтепроводмонтаж»ни Ленин ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Магистрал трубопроводлар қуришда ва Бухоро—Урал газ қуварининг биринчи навбатини ўз вақтида ишта туширишни таъминлашда эришган муваффақиятлари учун СССР Газ саноати Давлат ишлаб чиқариш комитетининг давлат иттифоқ трести «Нефтепроводмонтаж» Ленин ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. МИКОЯН.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль, 1964 йил 18 ноябр.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР Газ саноати Давлат ишлаб чиқариш комитетининг қурилиш ва монтаж ташкилотларининг Бухоро—Урал газ қуварининг биринчи навбатини қуришда алоҳида ўрнатилган ходимларига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони бериш тўғрисида

Бухоро—Урал газ қуварининг биринчи навбатини қуришда эришган жуда катта ишлаб чиқариш муваффақиятлари учун қуйидагиларга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони бериш. Ленин ордени ҳамда «Уроқ ва Болға» олтн медали топширилсин:

1. Воробьев Николай Алексеевич — «Нефтепроводмонтаж» трестининг бошқарувчиси.
2. Прокопенко Владимир Митрофанович — 12-қурилиш бошқармасидаги механизациялашган колоннанинг бригадари.
3. Халиуллин Айрат Насибуллович — «Востокнефтепроводстрой» трести 3-қурилиш бошқармасининг механизациялашган колоннаси бригадари.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. МИКОЯН.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль, 1964 йил 18 ноябр.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

СССР Газ саноати давлат ишлаб чиқариш комитетининг ва бошқа ташкилотларининг алоҳида ўрнатилган ходимлари ва хизматчиларидан 297 киши Бухоро—Урал магистрал газ қуварининг биринчи навбатини қуришда ҳамда Ўзбекистон ССР даги давлат газ қонунини ўзлаштиришда эришган муваффақиятлари учун СССР Олий Совети Президиумининг 1964 йил 18 ноябрдаги Фармони билан, СССР ордени билан медаллар билан мукофотланди.

«Нефтепроводмонтаж» трести 74-қурилиш-монтаж бошқармасининг участка бошлиги Е. А. Атропченко, «Бухаранефтегаз» бирлашмаси «Газ-линефтегаз» газ-нефть қонин бошқармасининг газ чиқариш бўйича оператори А. В. Вазурастов, «Нефтепроводмонтаж» трести ихтисослаштирилган 2-бошқармасининг электр пайвандчиси М. К. Гашченко, «Нефтепроводмонтаж» трести ихтисослаштирилган 2-бошқармасининг электр пайвандчиси А. М. Гнедь, 12-қурилиш бошқармаси механизациялашган колоннасининг бригадари Д. Зинабеддинов, «Востокнефтепроводстрой» трестининг 2-қу-

рилиш бошқармасида механизациялашган колонна бригадари Г. Х. Нафинов, «Уралнефтегазстрой» трести 1-қурилиш бошқармасида сувоқчи бўёқчилар бригадари В. В. Орлов, «Нефтепроводмонтаж» трестининг 6-қурилиш-монтаж бошқармасида қувар ўтказувчилар бригадари А. Т. Потурнин, «Востокнефтепроводстрой» трестининг 1-қурилиш бошқармасида бўльдозер машинистини Т. Д. Ульянов, «Востокнефтепроводстрой» трестининг 4-қурилиш бошқармасида қувар ўтказувчи машинист К. Ш. Хайбиров, «Нефтепроводмонтаж» трестининг со. биқ бош инженери М. З. Шоиров, «Бухаранефтегаз» бирлашмаси «Газ-линефтегаз» газ ва нефть қонин бошқармасининг пармалаш мастери Х. Х. Шоиров Ленин ордени билан мукофотландилар.

81 киши Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан, 81 киши «Хурмат белгиси» ордени билан, 79 киши «Шах-мат меҳнат учун» медали билан ва 74 киши «Меҳнатда ўрнатилган кўрсаткич» медали билан мукофотландилар.

Фармон «СССР Олий Совети ведомствларида аълон қилинади».

А. И. МИКОЯН АҚШ САВДО-САНОАТ ДОИРАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ

Москвада меҳмон бўлиб турган Америка Қўшма Штатлари савдо-саноат доираларининг бир гуруҳи вакиллари 18 ноябрда СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. И. Микоян билан учрашдилар.

Учрашувда СССР ташқи иш-

лар министрининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, ташқи савдо министри Н. И. Громико, СССР ташқи савдо банки правляенисининг раиси М. Н. Шевников ва бошқалар ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

ЭРТАГА СЕРҚУЁШ РЕСПУБЛИКАМИЗ ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ 40 ЙИЛЛИК ЮБИЛЕЙИ ЗЎР ТАНТАНА БИЛАН БАЙРАМ ҚИЛИНАДИ. БУ БАЙРАМ УЛУҒ СОВЕТЛАР ДИЁРИДАГИ БАРЧА ҚАРДОШ ХАЛҚЛАРИНИНГ ҲАМ КАТТА АЙЁМИДИР.

